2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 203 (1802), 2026 йил 30 сентябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ҲАР БИР ҒАЛАБА ЗАМИРИДА БУЮКЛИК ЗАКОСИ БОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 29 сентябрь куни Кўксарой қароргоҳида шахмат ва парашахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоалари аъзолари билан учрашиб, уларга давлат мукофотларини топширди.





Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихи қанчалик қадимий бўлса, ўзбек халқининг шахмат билан боғлиқ тарихи ҳам ана шундай бой ва чуқур илдизларга эга. Шу боис, шахмат бугун Ўзбекистонда шунчаки спорт тури эмас, балки миллий бренд даражасига кўтарилган умумхалқ ҳаракати, таъбир жоиз бўлса, янги авлод интеллектуал салоҳиятининг бош мезонига айланди.

Сўнгги йилларда ўзбек шахматчиларининг халқаро майдонда қўлга киритаётган оламшумул муваффақиятлари дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим: бу зафарлар асло тасодифий эмас, балки тарихий илдизлар, тизимли давлат сиёсати ва миллат генофондидаги юксак ақл-заковатнинг амалдаги намойишидир.

Жаҳон шахмат олимпиадасидан қиёс. Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида илк бор ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида миллий жамоамиз эришган тарихий ғалаба — олимпиада чемпионлиги мамлакатимиз спорти тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрланди.

Тантанали маросимда буни давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб, икки карра олимпиада чемпиони деган юксак ва шарафли унвон билан барчани, бутун Ўзбекистон халқини яна бир бор табриклади.

Самарқанддаги олимпиадада 200 дан ортиқ мамлакатдан қарийб 2000 шахматчи, жумладан, кучли гроссмейстерлар ва амалдаги чемпионлар жам бўлди.

— Шундай улкан рақобатда Ўзбекистон байроғини энг баланд кўтариш бу ҳақиқий жасорат, катта ақл-заковат ва мустаҳкам ирода намунасидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Мусобақани бевосита кузатиш учун Самарқандга 60 мингдан ортиқ меҳмон келгани, жойлардаги фан-ҳудудларда қарийб 500 минг мухлис, телеэкран ва интернет орқали эса миллионлаб ватандошимиз ўйинларни кузатгани шахматга бугун қизиқиш нечоғлик юқорилигини англатади.

Бугун Ўзбекистон дунёдаги энг кучли шахматчилар мамлакатларидан бирига айланиб улгурди. Халқаро майдонда, спортчилар орасида “ўзбек шахмат мактаби” деган атама пайдо бўлди. Ёш шахматчиларимизнинг ўйин услубини спорт мутахассислари чуқур ўрганмоқда, таҳлил қилмоқда. Намуна сифатида кўрсатмоқда. Булар бежиз эмас, албатта. Юртимизда шахматнинг ривожланиши узоқ тарих, давлатнинг кучли қўллаб-қувватлови, эътибори ва ёш авлоднинг оламшумул ғалабалари билан узвий боғлиқ.

Президентимиз маросимда Самарқандда қўлга киритилган ғалабада ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси катта эканини қайд этди. Қатнашчиларни номма-ном айтиб ўтди. Хусусан, Жавоҳир Синдоровнинг бир неча ой аввал номзодлар турниридаги тарихий ғалабасини эслади. Олимпиадада унинг кучли рақиблар олдида ортга чекинмаганини таъкидлади.

Йирик мусобақада илк бор иштирок этган Муҳиддин Мадаминовнинг ҳал қилувчи баҳсда жамоамизга олтин медаль учун зарур очко олиб бергани, Шамсиддин Воҳидовнинг амалдаги жаҳон чемпионига қарши тенгма-тенг курашгани, 17 ёшли Асроржон Омоновнинг саккизта ўйинда еттита ғалабага эришгани мамлакатимизда етишиб келаётган истеъдодли шахматчилар салоҳиятини кўрсатади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Эрон Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Мулоқот давомида кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Эрон Президентлари минтақавий кун тартиби ҳамда бўлажак тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎзА

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ: ИСЛОҲОТЛАР, УЛКАН НАТИЖАЛАР ВА ПАРЛАМЕНТНИНГ ҲИССАСИ

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлининг энг шиддатли ва қизғин даврига қадам қўймоқда. Чунки айни пайтда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида барча соҳа ва тармоқларни ривожлантириш, аввало, инсон қадрини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимизнинг халқаро нуфузи ва обрўсини янада ошириш борасидаги тарихий ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Ушбу натижалар ҳар бир оила, ҳар бир ватандошимиз ҳаётида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида мураккаб йўлни босиб ўтди. Айниқса, кейинги ўн йилликда муаммолар ечимига қаратилган тезкор чоралар, шиддатли ислоҳотлар мамлакатимиз етакчисининг инсон тақдирига юксак ғамхўрлигини ва бу борадаги қатъий сиёсий иродаси, оқилона қарорларини яққол ифода этди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳада ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига илғор тажрибалар, инновацион педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш ишларига қўшаётган муносиб ҳиссаси, ўқувчи ёшларга замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, маънан етук, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш йўлидаги катта хизматлари, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки, шунингдек, юртимизда таълимга оид инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони билан

Саидов Эргаш Алланазарович — Денов туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сапарбаев Азимбай Сабурович — Амударё туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони билан

Шамукарамов Камил Туйгунович — Чиноз туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Хакимова Рахима Салижоновна — Наманган шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Давоми 2-бетда



ИСТЕЪДОДЛАР ЮРТИ

Шахмат тахтасига ўхшайди ҳаёт,
Ҳа, у ҳам оқ-қора рангдан иборат.
Иккаласига ҳам ғалаба — нажот,
Иккиси ҳам фақат жангдан иборат.

Ҳислар тўқнашади бунда беаёв,
Эҳтиролар жўшар мисоли довул.
Ютқазар бунда ким бўлса бежилов,
Ютар кимда идрок бўлса баковул.

Покиза қадамдан қолар нурли из,
Барча амал боғлиқ энг пок ниятга.
Қандай қувонмайлик фарзандларимиз,
Ўсмоқда кўнмасдан мағлубиятга.

Юрт отаси илҳақ ғалаба хоҳлаб,
Самарқанддан ҳар он хушхабар кутди.
Яратганга шукр, ишончни оқлаб,
“Олтин авлод” барча рақибни ютди.

Аждодларига мос авлод онгида,
Тафаккур қуёши чарақлайверар.
Бу қуёш юз очса, Ватан тонгида,
Эл юзи янада ярақлайверар.

Гўзал муждалардан халқимиз мамнун,
Деймиз ёшлар кўкка туғ илаверсин!
Нодир истеъдодлар юртида ҳар кун,
Жавоҳир фарзандлар туғилаверсин!

Ботиржон ЭРГАШЕВ

Кейинги йилларда мамлакатимизда шахмат шунчаки спорт эмас, миллатнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш воситаси сифатида кўрилди. Бу борада шахматнинг мактабгача таълим ва мактаб дастурларига киритилиши инсон капиталига йўналтирилган энг самарали инвестиция бўлди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 30 сентябрь, 203-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Раимов Исматулла — Зомин туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг жамоатчилик кенгаши раиси, Жиззах вилояти

Солеев Ахмаджон — Самарқанд давлат университетининг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор” фахрий унвони билан

Курбонов Миртемир Шодиевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Муқимов Ботирбек Ашурович — Олтинкўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нажмидинов Вахиддин Эргашевич — Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш бўлими мураббийси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан

Утеева Гулнора Лукмановна — Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг ўзбек халқ чолғулари бўлими жўрнавози

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Мамажанов Алижон — Фарғона давлат университетининг тилшунослик кафедраси профессори, Фарғона вилояти

Мелиев Абдуҳалим Хуррамович — Самарқанд шаҳридаги “Нурли маскан” ихтисослаштирилган 59-мактаб-интернати директори, Самарқанд вилояти

Мухамедбаева Замира Абдулжапаровна — Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали кимёвий технологиялар кафедраси профессори, Сирдарё вилояти

Нишанов Нурмухамад Хажимаматович — Учқўрғон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Очилов Шухрат Саидович — Бухоро тумани спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийси, Бухоро вилояти

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Йўлдашев Дилмурод Каримжонович — Шаҳрихон тумани ихтисослаштирилган мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кўчкинов Зиёдулло Ахмедович — Бандихон тумани ихтисослаштирилган мактабининг тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Миртаджиева Карамат Тахировна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти лаборатория мудири

Сайимова Сарсенгул Алписбаевна — Қораўзак туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сафаров Эшкабул Юлдашович — Ўзбекистон Миллий университетининг геодезия, картография ва кадастр кафедраси профессори

Узаков Заир — Қарши давлат техника университети компьютер тизимларининг дастурий ва техникавий таъминоти кафедраси профессори, Қашқадарё вилояти

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Виноградова Валентина Ивановна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими

Гофурова Саодат Мусаевна — Марғилон шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Пардаев Шукурулла Бозорович — Боёвут туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Усманова Наргиза Мирзадавлатовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 190-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Яхшиева Зухра Зиятовна — Жиззах давлат педагогика университетининг табиий фанлар факультети декани, Жиззах вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдуллаева Гулноз Хасановна — Урганч тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бекмуродова Сожида Ўраловна — Яккасарой туманидаги 160-ихтисослаштирилган мактабининг технология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Исхакова Мавлюда Рахмановна — Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг педагогика ва психология кафедраси доценти

Муратова Гулбахор Камилевна — Юнусобод туманидаги “Erudite education” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Нурова Наргиза Ташевна — Кармана туманидаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 25-мактаб-интернатининг якка эшитиш фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хакимова Абидахон Азимжоновна — Асака туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактаби директори, Андижон вилояти

Холиқов Тўрақул Жўраевич — Ғиждувон туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Шодиев Бектош Шокирович — Каттақўрғон туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Ангела Папенбург — Германия Федератив Республикасининг “GP Günter Papenburg AG” компанияси директорлар кенгаши аъзоси

Байриева Алмагул Қурбановна — Қорақалпоқ давлат университетининг сиёсатшунослик ва маънавият асослари кафедраси мудири

Бегишева Лаура Дюшеевна — Хонобод шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бузикова Гулсина Фаязовна — Яшнобод туманидаги “Diplomat international school” нодавлат таълим муассасасининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Имамов Эркин Зуннунович — Тошкент ахборот технологиялари университетининг физика кафедраси профессори

Кан Людмила Николаевна — Яшнобод туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кандрегула Ганга Бҳавани Сантош Кумари — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича экспертлар кенгаши аъзоси

Маттиас Клингенберг — Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Ўзбекистонда касбий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш жараёнини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси раҳбари

Мураткин Валерий Николаевич — Бектемир туманидаги 1-спорт мактабининг йўриқчи-услубчиси, Тошкент шаҳри

Разова Батпа Пазиловна — Бўстонлиқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Сатторов Бобоназар Нуфтиллаевич — Касби тумани 1-техникуми директори, Қашқадарё вилояти

Фу Зенгзҳенг — Ўзбекистон-Хитой касбий таълим альянси бош котибининг ўринбосари

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Абдурафикова Дилдора Абдувахидовна — Оҳангарон шаҳридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 7-мактаб логопеди, Тошкент вилояти

Абдурахмонова Нигора Худойбердиевна — Абу Али ибн Сино номидаги Термиз жамоат саломатлиги техникуми директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Мамарасулов Тўлқинжон Мирзаевич — Қарши давлат университетининг тиббиёт факультети кафедра мудири, Қашқадарё вилояти

Турдибоев Абдуғани Абдуғаппорович — Фарғона шаҳридаги ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” маркази директори, Фарғона вилояти

“Мардлик” ордени билан

Алламбергенова Нигора Гулмурзаевна — Қонликўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мусаев Мирзахмат Байматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг От спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийси

Кушмуротов Элмурот Журакулович — “University of innovation technologies” нодавлат таълим муассасаси таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сафаров Суҳробжон Янгибой ўғли — Жарқўрғон тумани спорт мактаби директори, Сурхондарё вилояти

Юнусов Ахмадали Хайдаралиевич — Учкўприк тумани 2-техникумининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

“Соғлом турмуш” медали билан

Алиева Наргиза Зиёдиллаевна — Навоий педагогика техникумининг педагогика психологияси фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бобоев Пўлат Жумабоевич — Ҳазорасп туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Гадоев Азизбек Илхомович — Гулистон шаҳридаги “Болажонлар хонадоним қувончи” оилавий болалар уйи раҳбари, Сирдарё вилояти

Евстафьева Оксана Шукуровна — Мирзо Улуғбек туманидаги 190-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мукумова Шахноза Бурановна — Қарши ихтисослаштирилган маданият мактабининг мусиқа назарияси ва фортепиано бўлими ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Пардаева Гавҳар Дониёровна — Самарқанд шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Умирзаков Алишер Абдикасимович — Оҳангарон туманидаги “Илғор кичкинтойлар” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Тошкент вилояти

Халматов Комил Турниязович — Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати директори

Эргашева Фирюза Давлатовна — Коғон шаҳридаги “Анисаой” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Бухоро вилояти

“Жасорат” медали билан

Ембергенова Гулнара Жолдасбаевна — Нукус шаҳридаги “Бахтли оила” оилавий болалар уйи раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Зиётов Фаррух Саодилла ўғли — Қарши шаҳридаги “Нурли маскан” ихтисослаштирилган 18-мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каршиева Гулноза Туракуловна — Томди тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Рўзметова Лайло Худоёровна — Нуробод туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Маматова Назокат Шарипбаевна — Урганч шаҳридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 32-мактаб-интернати директори, Хоразм вилояти

Мўминов Фазлиддин Хусниддин ўғли — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Йиғма-ахборот ва ҳудудий масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Расулов Содиқ Саъдуллаевич — Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси директорининг ўринбосари

Толипов Шохжахон Улуғбек ўғли — Бувайда туманидаги “Vint” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Хамдамов Нодир Мухаматович — Коғон шаҳридаги “Akbarjon barakat” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

“Келажак бунёдкори” медали билан

Абдубекова Мадина Ровшан қизи — Юнусобод туманидаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг вокал синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Атоев Абубакир Иззатилло ўғли — Бухоро давлат техника университетининг электр ва энергетика муҳандислиги кафедраси ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Сангиров Жуманиёз Алижон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг Ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосари

Хасанов Азизбек Эркин ўғли — Навоий шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Шукуруллаева Моҳинур Бахром қизи — Тахиатош туманидаги 6-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Юлдашев Фаррух Худаярович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг рақамлаштириш ва ахборот технологиялари гуруҳи раҳбари

“Шуҳрат” медали билан

Абдиева Турдигул Абдужаббаровна — Самарқанд шаҳридаги 80-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Авлакулов Даврон Олимович — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Алибаева Барно Мусурмоновна — Дўстлик туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Алимова Саодатхон Тойировна — Қува туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ахматова Каромат Абдулазизовна — Юнусобод туманидаги 259-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ахметова Шахноза Толкуновна — Мирзо Улуғбек туманидаги 210-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ғиёсов Хасан Мамирович — Шароф Рашидов тумани ихтисослаштирилган мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Исмоилова Одинахон Абдукаххаровна — Избоскан туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг иқтисод фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Йўлдошева Насиба Махсуд қизи — Гурлан туманидаги “Йўлдошева Насиба” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Хоразм вилояти

Камалов Неъматжон Баҳодирович — Боғот тумани ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Каттаева Шаҳноза Шодиевна — Навоий шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Курбанова Ирода Джалаловна — Қўқон шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қулманова Нодира Эшдавлат қизи — Жарқўрғон тумани ихтисослаштирилган мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Менгliева Хурсанд Ражабовна — Нишон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мирхамитова Дилором Худайбердиевна — Олмалиқ давлат техника институтининг металлургия ва кимёвий технологиялар факультети декани, Тошкент вилояти

Муродова Марзия Мажитовна — Вобкент туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Пардаева Юлдуз Ибрагимовна — Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Садинов Аброр Самадович — Пахтачи тумани 1-техникуми директори, Самарқанд вилояти

Садуллаева Нигора Руслановна — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги Кўп функционал инклюзив-ресурс маркази директорининг ўринбосари

Сангирова Замира Бозорбоевна — Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик марказининг педагогик маҳорат ва инклюзив таълимни ривожлантириш бўлими бошлиғи

Собитов Ахмаджон Мархаматович — Миробод туманидаги “Novda Edutainment” янги авлод дарсликларини тайёрлаш жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

Сулаймонов Талъат Хаётжонович — Янгиобод туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директори, Жиззах вилояти

Темирова Адолат Авазхановна — Янгийўл агротехнологиялар техникумининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Тоҳиров Дониёр Бахтиёр ўғли — Чуст тумани ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Умарова Муаззам Эргашевна — Шаҳрисабз туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Умарова Саидахон Пулатовна — Янгиқўрғон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Урунов Анвар Жамолиддинович — Наманган шаҳридаги “LSL school” хусусий мактаби директори, Наманган вилояти

Холходжаев Боходир Асатуллаевич — Тошкент давлат техника университетининг олий математика кафедраси доценти

Худойбердиев Дилшод Анорбой ўғли — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси

Чориева Нилуфар Шайдуллаевна — Музработ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 29 сентябрь

ҲАР БИР ҒАЛАБА ЗАМИРИДА БУЮКЛИК ЗАКОСИ БОР

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари аёллар терма жамоаларимиз ҳам олимпиадада катта ирода ва матонат кўрсатганини таъкидлади. Биринчи жамоа 11 турнинг еттитасида ғалаба қозониб, дунёнинг кучли шахмат мамлакатлари вакиллари билан тенгма-тенг баҳс олиб борди. Афруза Ҳамдамова, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Умида Омонова, Нилуфар Имомқўзиева, Гулдона Каримова ва бошқа шахматчи қизларнинг меҳнати алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон олимпиадада эркаклар ва аёллар ўртасида жами олтита терма жамоа билан қатнашди. Эркаклар ўртасидаги иккинчи жамоамиз жаҳон рейтингида олтинчи ўринда турган Нидерландия терма жамоасини йирик ҳисобда мағлуб этди. Давлатимиз раҳбари буни ҳам муҳим ютуқ деб баҳолади.

— Бизда 2-3 нафар шахматчи эмас, балки бутун бошли кучли авлод бор, десак, бу ҳам ҳақиқат, — деди Президентимиз.

Бу авлод ва унинг ортидан келаётган ёшлар жаҳон шахматида ҳали кўплаб ютуқларга эришишига ишонч билдирилди.

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, жумладан, шахматни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва бу борада яратиб берилаётган замонавий шароитлар натижаси ўлароқ, шахматчиларимиз Ченнай — 2022 олимпиадасидан кейин жонажон Ўзбекистонимизда иккинчи бор чемпионликни қўлга киритди. Қисқа муддатда иккинчи бор шундай юксак ғалабага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Назаримизда, бунинг иккита асосий сабаби бор.

Биринчиси, Ўзбекистон замини азалдан илм-фан ва тафаккур маркази бўлиб келган. Дунё тамаддунига мислсиз ҳисса қўшган кўплаб даҳоларни етиштирган бу юртда фикрлаш, мантиқ ва стратегия маданияти асрлар давомида шаклланган.

Шахмат инсондан фақат доналар суришни эмас, балки чуқур сабр, мустаҳкам хотира, аниқ ҳисоб-китоб, стратегик тафаккур ва енгилмас иродани талаб этади. Бугунги ёш гроссмейстерларимиз эришаётган оламшумул муваффақиятлар замирида ана шу буюк мерос бор. Бошқача айтганда, уларнинг қонида буюк аждодларимизнинг интеллектуал коди ва мантиқий фикрлаш гени яшамоқда. Натижада бугунги авлод вакиллари дунёнинг энг кучли ақл соҳибларига қарши ҳеч қандай ҳаяжонсиз дона сурмоқда.

Халқимиз табиатан шошма-шошарликни ёқтирмайди. Етти ўлчаб, бир кесиш амали миллий фалсафамизга чуқур сингиб кетгани боиси ҳам шунда бўлса керак. Бу хусусият шахмат тахтасида энг оғир, танг вазиятларда ҳам гроссмейстерларимизнинг рақибдан устун келишини таъминламоқда.

Иккинчиси, ўзбек шахматининг олтин даври бошланишига энг катта туртки берган омил соҳага давлат даражасида қаратилган эътибор ва тизимли сиёсатдир.

Шахмат каби мураккаб санъатнинг мамлакат миқёсида оммалашиши фақат иқтидорларга боғлиқ эмас. Бунинг учун кучли тизим ва қўллаб-қувватловчи муҳит керак. Агар мамлакатимизда шахмат ривожи учун етарли шароит ва тўғри тизим яратилмаганида миллий генофонддаги юқори салоҳият яширинча қолиб кетарди, эҳтимол.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шахмат шунчаки спорт эмас, миллатнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш воситаси сифатида кўрилди. Бу борада шахматнинг мактабгача таълим ва мактаб дастурларига киритилиши инсон капиталига йўналтирилган энг самарали инвестиция бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан болаликданоқ мантиқий фикрлайдиган авлод улғайиши учун пойдевор қўйилди.

Мамлакатимизда истеъдодли шахматчилар кўп бўлган. Бироқ илгари уларни қўллаб-қувватлайдиган ва бирлаштирадиган тизим етишмасди. Сўнгги йилларда спортнинг ушбу турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар кўлами кенгайди. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида тизимли ислоҳотлар амалга оширилди. Шахмат аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиниб, уни оммавий спорт турига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Иқтидорли ёшларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал шахматчилар ҳамда халқаро гроссмейстерлар сифатида тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Тренерлар учун муносиб меҳнат шароити яратилди. Қисқаси, Ўзбекистон шахмат мактабини яратиш ишлари янада мустаҳкамланди.

Бугунги ғалабалар, ютуқлар, эътирофлар, ҳозир 17 шахматчимиз халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Мамлакатимизда бу борада тажриба етарли, қўлга киритилаётган натижалар кам эмас. Келажагимиз бўлган ўсмирларга, ёшларга намуна, ақл, билим, сабр, интизом ва ғалабага ишонч тимсоли вазифасини ўтайдиган чемпионларимиз бор. Муҳими, ютуқлар билан чекланиб қолинмайди. Ҳар бир вилоят, туман ва маҳаллада иқтидорли болаларни эрта аниқлаш, кучли устозларга бириктириш ва халқаро турнирларда мунтазам қатнашишига шароит яратилади. Қизлар шахмати ва парашахматни ривожлантириш бўйича алоҳида тизим ташкил этилади.

Ёш шахматчиларни тайёрлаш имкониятини кенгайтириш учун Тошкент халқаро шахмат академиясининг Самарқанд, Хоразм ва Фарғонада ҳудудий филиаллари очилади. Академияда олий тоифали мураббийларни тайёрлаш тизими ҳам йўлга қўйилади.

FIDE рейтингида 1500 дан юқори балл тўплаган шахматчиларнинг хусусий клубларда ўқиш харажатининг ярми давлат томонидан қоплаб берилади. Бу ёш истеъдодларнинг тайёргарлигини давом эттиришига қўшимча имконият яратади.

Мамлакатимизда “O‘zbekiston Grand chess” миллий бренди остида халқаро турнирлар мунтазам ўтказилади. Бу шахматчиларимизга кучли рақиблар билан юртимизда беллашиш имконини беради.

Умуман олганда, шахматчиларимизнинг Самарқандда эришган тарихий муваффақияти шунчаки медаллар шодаси эмас. Бу халқимиз генофондида мудраб ётган интеллектуал кучнинг тизимли давлат сиёсати кўмагида рўёбга чиқишидир. Шахмат халқимизнинг жаҳон майдонида куч билан эмас, ақл, сабр ва стратегик тафаккур билан етакчилик қила олишини исботлаган энг ноёб ижтимоий феноменга айланди.

Кеча Президентимиз Ватанимиз шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси, маҳорати ва жасорати учун бир гуруҳ шахматчилар, уларнинг устозлари ва соҳа вакилларини давлат мукофотлари билан тақдирлаган эди. Тадбирда мазкур мукофотлар ўз эгаларига тантанали топширилди.

Учрашувда спортчилар, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийлари сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарига шахмат соҳасига қаратилаётган эътибор ва яратилган кенг шароитлар, юксак эътироф учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиздаги улуғвор ўзгаришларга, ёшларимиз закосидаги қудратли эврилишга ҳамоҳанг ўтган учрашув якунида Президентимиз терма жамоалар аъзолари ва уларнинг ота-оналари билан биргаликда суратга тушди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news
ДАВР НАФАСИ
2026 йил 30 сентябрь, 203-сон

Янги Ўзбекистон руҳи

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ: ИСЛОҲОТЛАР, УЛКАН НАТИЖАЛАР ВА ПАРЛАМЕНТНИНГ ҲИССАСИ

Нуриддин ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз бошчилигидаги кенг кўламли ислоҳотлар нафақат давлат бошқарувини, балки халқимиз тафаккурини, ҳаётимиз фалсафасини, қонун устуворлигига доир қарашларни ҳамда энг асосийси, барчамизнинг дунёқарашимизда инсон қадрига муносабатни тубдан ўзгартирди.

Давлатимиз раҳбарининг халқни севиш ва Ватанга сидқидилдан хизмат қилишдек олий саодатга йўғрилган шахсий намунаси Янги Ўзбекистон руҳига айланди.

35 йиллик сарҳисобдан — янги тараққиёт босқичига

Яқиндагина юртимиз ҳаётидаги энг улуғ, энг қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги байрами Ватанимизнинг барча ҳудудида баланд руҳ ва кўтаринки кайфиятда кутиб олинди.

Бу йил ушбу тарихий сана янги Ўзбекистоннинг бугунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги нуфузига мувофиқ “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғоя асосида кенг нишонланди. Айниқса, асосий байрам тадбирининг Ватанимиз фахри бўлган Янги Тошкентда ўтказилгани унга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Барча байрамларимиз муносабати билан Президентимиз табригида қилинган ишлар ва режаларнинг баён этилиши ўзига хос институтга айланди. Аммо олдингиларидан фарқли ўлароқ давлатимиз раҳбарининг мустақилликнинг 35 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқи дастурий аҳамиятга эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли аниқ. Бу — тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик, инсон қадрини улуғлаш, билим ва маърифатга таяниш йўли. Президентимизнинг тантанали байрам тадбиридаги маърузаси айни мана шу олий мақсаднинг руҳини акс эттирди.

Бир вақтлар Ватан озодлиги ва миллий истиқлолни орзу қилган аждодларимизнинг эзгу ниятлари бугун мустақил давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, очиқ ва прагматик ташқи сиёсат юритиш, замонавий таълимни ривожлантириш ва инсон капиталини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда.

Айни пайтдаги мураккаб ва зиддиятли дунёда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳаёт-мамот масаласидир. Президентимизнинг сиёсий иродаси, ўзига хос самимий мулоқоти, доим тинчлик ва барқарорликка интилиши натижасида кейинги ўн йилда минтақада нафақат тинчлик таъминланди, балки барча халқнинг манфаатига мос келувчи абадий дўстлик ва ҳамкорлик ришталари қатъий мустаҳкамланди.

Албатта, мамлакатимиз етакчисининг ушбу йўналишдаги ҳаракатлари ва ташаббускорлиги ортида инсон манфаати, ҳаёт сифатини яхшилаш каби улуғ мақсадлар турибди. Зеро, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг натижаси, аввало, “Инсонлар ҳаёти яхшиланиши керак!” деган бош мезонга асосланганини бутун дунё кўрмоқда ва эътироф этмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг ҳақиқий қудрати инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада таъминлангани билан белгиланади.

Инсон қадрининг ҳуқуқий кафолати

Энди Олий Мажлис қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти янада қизғин кечиши табиий. Чунки Президентимиз нутқида илгари сурилган, келгуси йилларда инсон қадрини янада юксалтиради деган 7 та миллий дастурнинг бешинчиси — суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантиришга қаратилган.

Инсон қадрини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, адолатни таъминлаш ва ислоҳотларнинг барқарорлигини кафолатлаш, энг аввало, қонун устуворлигига таянади. Сўнгги ўн йилликда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, жамиятда адолат ва тенглик тамойилларини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётининг муҳим йўналишига айланди.

Бу жараён, энг аввало, янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз ифодасини топди. Бош қонунимизда Ўзбекистон — ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амал қилиши, қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган зиддият ва ноаниқликларни инсон фойдасига талқин қилиш каби муҳим принциплар мустаҳкамланди. Бу инсон эрки ва қонуний манфаатлари давлат сиёсатининг устувор мезони эканининг ҳуқуқий ифодасидир.

Шу боис, Конституцияда белгиланган ушбу тамойилларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган қонунчилик ва институционал ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида шахснинг ҳуқуқларини кафолатлаш, қийноқларнинг олдини олиш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар қилинди.



> **Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллик тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қонун устуворлиги фақат ҳуқуқий тизимнинг вазифаси эмас. У инсон қадри, жамиятдаги ишонч, давлат бошқарувининг самарадорлиги ва мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлайдиган умумий қадриятдир.**

Одил судловга эришиш, судларнинг мустақиллигини таъминлаш ва инсонларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имкониятларини кенгайтириш ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди. Суд тизими мустақиллигини таъминлаш, судьялар фаолиятига аралашувнинг олдини олиш, уларнинг мақоми ва ижтимоий кафолатларини кучайтиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Суд жараёнларининг очиқлиги ва рақамлашувини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўрилди.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши эса фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари томонидан қабул қилинган ноқонуний қарорлар, амалга оширилган ҳаракатлар ёки йўл қўйилган ҳаракатсизлик устидан суд орқали ҳимояланиш имкониятларини кенгайтирди. Адвокатура институтининг ролини кучайтириш, юридик ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бирига айланди.

Шунингдек, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига суд қарорлари ва ажримлари устидан шикоят қилишнинг янги институти — ишларни тафтиш тартибида кўриб чиқишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса одил судловга эришиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи, табиийки, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни ҳам қамраб олади. Кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлашга қаратилган қонунчилик асослари сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштирди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти ташкил этилди. Депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонун билан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда кафолатлари белгилаб берилди.

Бугун эса қонун устуворлиги тушунчаси анъанавий ҳуқуқий муносабатлар доирасидан янада кенгайиб бормоқда. Рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча соҳасига жадал кириб келаётган бир шароитда кибержиноятчилик, шахсий маълумотлардан ғайриқонуний фойдаланиш, одам савдоси, гиёҳвандлик каби янги ва мураккаб хавфларга қарши самарали ҳуқуқий механизмларни шакллантириш ҳам долзарб вазифага айланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва кибержиноятларга қарши курашишни кучайтириш, шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш ва улардан ғайриқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Бу борада жавобгарликнинг аниқлаштирилиши ва янги ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилиши рақамли муҳитда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлмоқда.

Шу билан бирга, гиёҳвандликка қарши кураш ҳам давлат сиёсати даражасида кучайтирилмоқда. Айниқса, синтетик наркотикларнинг тарқалиши, интернет орқали яширин сотилиши, ноқонуний нарколабораториялар фаолияти каби замонавий таҳдидлар бу борада янги ёндашувларни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда бу хавфларнинг олдини олиш мақсадида профилактика, эрта аниқлаш, ёшларни гиёҳвандлик таъсиридан ҳимоя қилиш, даволаш ва реабилитация тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласига қарши ҳуқуқий чоралар ҳам изчил кучайтирилмоқда. 2025 йилда гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури тасдиқланди. Бугун ушбу миллий дастур асосида чора-тадбирлар ижроси изчил давом эттирилмоқда.

Жорий йил июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун эса ушбу йўналишдаги ҳуқуқий механизмларни янада кучайтирди.

Унда наркотик воситалар, психотроп моддалар, уларнинг муқобиллари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик такомиллаштирилди. Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” номли янги боб киритилиши, ноқонуний нарколабораториялар ташкил этиш, наркотиклар муомаласига раҳнамолик қилиш каби қилмишлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланиши бу соҳадаги ёндашув янада қатъийлашганини кўрсатади.

Энг муҳими, бугунги ёндашув фақат жиноят содир этилгандан кейин жазо қўллаш билан чекланмаяпти. Гиёҳвандликнинг олдини барвақт олиш, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, хавф гуруҳидаги шахслар билан профилактик ишларни кучайтириш, даволаш ва реабилитация имкониятларини кенгайтириш каби чораларга ҳам ягона тизим сифатида қаралмоқда. Шу маънода, гиёҳвандликка қарши курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини талаб этадиган умуммиллий вазифага айланмоқда.

Чуқур сиёсий мазмунга эга вазифа

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллик тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қонун устуворлиги фақат ҳуқуқий тизимнинг вазифаси эмас. У инсон қадри, жамиятдаги ишонч, давлат бошқарувининг самарадорлиги ва мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлайдиган умумий қадриятдир.

Шу маънода, Президентимиз томонидан келгуси босқич учун қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантириш вазифасининг белгиланиши чуқур сиёсий мазмунга эга. Шу мақсадда ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний кафолатларини янада кучайтириш, суд мустақиллигини таъминлаш бўйича ислоҳотларни изчил давом эттириш вазифаси қўйилмоқда.

Айни пайтда жамият хавфсизлигига таҳдид солаётган кибержиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдосининг олдини олиш, яширин иқтисодиёт ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича чораларни янги босқичга олиб чиқиш ҳам мазкур вазифаларнинг узвий давомидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бу борадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва қонун ижодкорлиги сифатини янада ошириш йўналишидаги ишларга алоҳида масъулият билан ёндашади.

Аввало, олдимизда истиқлол йилларидаги ислоҳотларнинг аҳамиятини ҳамда келгусидаги устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, давлатимиз раҳбари илгари сурган миллий дастурларни амалга оширишда парламентнинг фаол иштирокини таъминлашдек муҳим вазифа турибди. Депутатларимиз давлатимиз раҳбарининг маърузасида белгиланган барча вазифалар мазмун-моҳиятини халқимизга кенг тушунтирмоқда. Бу йўналишдаги ишларни янада самарали ташкил этиш мақсадида шу йил 7 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди ҳамда “йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”да парламентимизнинг миллий юксалиш даври ислоҳотларини изчил амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Бу эса парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Бугунги тарихий ислоҳотлар даврида мамлакатимиз олдида янада катта режалар, улкан мақсадлар ва юксак марралар турибди.

Президентимиз давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз бизга бир ҳақиқатни ўргатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ.

Бугун миллий парламент ҳам ана шу умумий мақсаднинг муҳим бўғини сифатида ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда фаолият юритиши зарур. Халқ вакиллари бўлган депутатлар корпуси ва миллий парламентимиз бундан буён ҳам мамлакатимизнинг бирдамлигини, юксак тараққиётга жипс ҳолда эришиш йўлидаги умумий мақсад ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлайди. Зеро, қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш, юрт равнақи, мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, энг асосийси, инсон қадрини янада юксалтириш барчамиз учун умумий мақсаддир.



> **Президентимиз мамлакатимиз ўз тараққиётининг мутлақо янги даврига қадам қўяётганини, келгуси 10 йиллик биз учун миллий юксалиш даври бўлишини алоҳида таъкидлади. Шу мақсадда инсон қадрини янада юксалтирадиган 7 та миллий дастур амалга оширилишини эълон қилди.**

Чуқур мазмун, теран таҳлилга таянган барча ташаббус ва вазифалар халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётининг стратегик мақсадларини акс эттирди. Айнан шунинг учун ҳам ушбу нутқни халқимиз жуда катта кўтаринкилик ва олқиш билан қарши олди. Яъни бугунги ислоҳотлар ҳамда барчамизнинг олдимизда турган устувор вазифалар яхлит сиёсий тизимга бирлаштирилди.

Президентимиз мамлакатимиз ўз тараққиётининг мутлақо янги даврига қадам қўяётганини, келгуси 10 йиллик биз учун миллий юксалиш даври бўлишини алоҳида таъкидлади. Шу мақсадда инсон қадрини янада юксалтирадиган 7 та миллий дастур амалга оширилишини эълон қилди.

Ушбу миллий дастурлар таълим ва тиббиётдан тортиб, юқори технологияли иқтисодиёт, экология, адолат, маҳалла ва ташқи сиёсатгача бўлган устувор йўналишларни ягона мақсад атрофида бирлаштиради.

Асл қудрат мезони — янгиланишлар марказида

Президентимизнинг нутқи узоқ ва яқин тарихимизнинг сабоқлари, янги Ўзбекистон ислоҳотлари ва келгуси тараққиёт мақсадларини уйғун ҳолда намоён этди.



2026 йил 30 сентябрь, 203-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Бугунги кунда энергетика жаҳон иқтисодиётининг энг тез ўзгараётган ва стратегик аҳамияти тобора ортиб бораётган соҳаларидан бирига айланди. Иқтисодиётнинг рақамлашуви, саноат ишлаб чиқаришининг кенгайиши, электр транспорти ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси юксалиши ва экологик талаблар кучайиши энергияга эҳтиёжни муттасил оширмоқда. Шу боис, тараққий этган давлатлар анъанавий энергетика моделини қайта кўриб чиқиб, энергия самарадорлиги, қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия сақлаш тизимлари, интеллектуал тармоқлар ва рақамли бошқарув технологияларига асосланган янги энергетик тизимни шакллантирмоқда.



Таҳлил

ЭНЕРГЕТИКАДА ТЕХНОЛОГИК МУСТАҚИЛЛИК



Икромжон РАҲМОНОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

> **Мамлакатимизда қуёш ва шамол энергетикаси жадал суръатларда кенгаймоқда. Бугунги кунда умумий қуввати 5602 мегаватт бўлган 21 та “яшил” электр станция, жумладан, 15 та қуёш ва 6 та шамол электр станцияси ишга туширилди.**

Ўзбекистонда ҳам энергетика соҳаси иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи инфратузилмавий асосларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Сўнгги йилларда электр энергетикасида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, электр ва газ тармоқларини модернизациялаш, хусусий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Қисқа фурсатда соҳага қарийб 23 миллиард доллар миқдорида тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб этилди. Умумий қуввати 9,5 гигаватт бўлган электр станциялар ишга туширилди, электр ва газ тармоқлари, подстанциялар, трансформаторлар ҳамда газ тақсимлаш қурилмаларини янгилашга 30 триллион сўм йўналтирилди.

Натижада 2016-2025 йилларда Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсиш тенденциясини намоён этди. Хусусан, 2016 йилда республикада 59 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилда 66,4 миллиард кВт/соатга, 2022 йилда 74,3 миллиард кВт/соатга, 2024 йилда 81,5 миллиард кВт/соатга ва 2025 йилга келиб 86,7 миллиард кВт/соатга етди. Яъни ўн йил давомида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 27,7 миллиард кВт/соат ёки қарийб 46 фоиз ошди. Мазкур динамика иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида энергетика соҳасида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва мавжуд қувватларни ривожлантириш бўйича бажарилган кенг кўламли ишлар самарасидир.

Айнан шу шароитда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда қуёш ва шамол энергетикаси жадал суръатларда кенгаймоқда. Бугунги кунда умумий қуввати 5602 мегаватт бўлган 21 та “яшил” электр станция, жумладан, 15 та қуёш ва 6 та шамол электр станцияси ишга туширилди.

Танлаш, бошқариш ва ривожлантириш

Энергетика соҳасида эришилаётган бундай натижалар иқтисодиёт учун янги имкониятлар очади. Бироқ энергетика тизими қанчалик катта ва технологик жиҳатдан мураккаб бўлиб борса, унинг қандай технологияларга таяниши масаласи шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Чунки замонавий энергетика фақат электр станциянинг ўзи эмас. У қуёш модуллари, шамол турбиналари, инверторлар, энергия сақлаш қурилмалари, куч электроникаси, трансформатор ва коммутация жиҳозлари, рақамли ҳимоя, автоматлаштириш, мониторинг, диспетчерлик ва сунъий интеллектга асосланган бошқарув тизимларидан иборат улкан технологик занжирдир.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон энергетикасини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичида фақат янги генерация қувватларини ишга туширишнинг ўзи етарли эмас. Энди асосий масалалардан бири ушбу қувватларнинг технологик пойдевори қай даражада миллий иқтисодиёт, маҳаллий саноат, илм-фан ва муҳандислик салоҳиятига таянаётганини таъминлашдир. Зеро, энергетика иқтисодиётнинг таянч соҳаси экан, унинг критик технологиялар бўйича узоқ муддатли ташқи қарамлиги мамлакатнинг энергетик хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин.

> **Ўзбекистон энергия ресурслари билан бирга ўз илми, муҳандислиги ва технологияларига таянган энергетика тизимини шакллантира олса, бу мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёти учун энг муҳим стратегик устунликлардан бирига айланади.**



Бугун Ўзбекистонда барпо этилаётган кўплаб замонавий “яшил” энергетика объектларида хорижий инвестиция, технологиялар ва ускуналар муҳим ўрин тутмоқда. Бу жараён энергетика тизимини қисқа муддатда модернизациялаш, илғор жаҳон тажрибасини олиб кириш ва янги қувватларни тез ишга тушириш учун катта имконият яратди. Бироқ узоқ муддатли истиқболда мамлакат фақат тайёр технологик ечимларни истеъмол қилувчи эмас, балки уларни ўзлаштира оладиган, маҳаллий шароитга мослаштирадиган, ишлаб чиқарадиган ва янги авлодини ярата оладиган давлатга айланиши зарур.

Шу маънода, энергетикада технологик мустақиллик ташқи дунёдан технологик жиҳатдан узилиш ёки барча ускуналарни тўлиқ мамлакат ичида ишлаб чиқариш дегани эмас. У, энг аввало, стратегик ва критик технологиялар бўйича миллий компетенцияларни шакллантириш, хорижий технологияларни ўзлаштириш ва маҳаллийлаштириш, зарур ускуналарни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва модернизациялаш қобилиятига эга бўлишни англатади. Яъни ҳақиқий технологик мустақиллик танлаш, бошқариш ва ривожлантириш имкониятининг мамлакатнинг ўзида бўлишидир.

Саноат ва фан интеграцияси

Хорижий технологиялар ва инвестициялар энергетика тараққиёти учун муҳим ресурс. Аммо критик ускуналар, эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот ва сервис хизматлари бўйича мутлақ ташқи қарамлик қатор хавфларни келтириб чиқариши мумкин. Глобал бозордаги нархлар ўзгариши, логистика занжирлари узилиши, геосиёсий вазият, экспорт чекловлари ёки муайян ишлаб чиқарувчининг бозордан чиқиши энергетика объектларининг ишончли эксплуатациясига таъсир қилиши эҳтимоли бор.

Бундан ташқари, импортга юқори даражада боғлиқлик ҳар бир янги энергетика лойиҳасида катта миқдордаги валюта ресурсларини талаб этади. Агар технологиялар тайёр ҳолда доимий равишда четдан келтирилса, маҳаллий электротехника, машинасозлик, электроника, дастурий таъминот ва инжиниринг тармоқлари ривожи учун мавжуд иқтисодий имкониятлар тўлиқ ишга тушмай қолиши ҳеч гап эмас. Аксинча, маҳаллийлаштириш даражаси ортиши янги иш ўринлари, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ва миллий технологик компаниялар пайдо бўлишига замин яратади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати — рақамли мустақиллик билан боғлиқ. Замонавий электр энергетикасида бошқарув қарорлари тобора кўпроқ маълумотлар, рақамли платформалар, автоматлаштирилган диспетчерлик тизимлари, прогнозлаш алгоритмлари ва сунъий интеллект технологияларига таянмоқда. Шунинг учун технологик мустақиллик фақат “темир” ёки ускуна ишлаб чиқариш билан чекланмаслиги керак. Энергетик маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, алгоритмлар, дастурий таъминот ва интеллектуал бошқарув платформалари бўйича ҳам миллий ечимларни шакллантириш стратегик аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда технологик базани шакллантириш учун муайян саноат, илмий ва кадрлар салоҳияти мавжуд. Электротехника, металлургия, механика, машинасозлик, электроника ва полимер материаллар ишлаб чиқариш тармоқлари мавжудлиги қайта тикланувчи энергетика ускуналарининг айрим элементлари ва бутловчи қисмларини босқичма-босқич маҳаллийлаштириш имконини беради. Дастлаб конструктив элементлар, кабель маҳсулотлари, электр шкафлари, металл конструкциялар, трансформатор ва коммутация жиҳозларидан бошлаб кейинчалик инверторлар, куч электроникаси, энергия сақлаш модуллари ва бошқарув тизимларигача бўлган технологик занжирни чуқурлаштириш мумкин.

Бу жараёнда маҳаллийлаштиришнинг ўзи ҳам мақсад эмас. Асосий вазифа — технологияни тушуниш, уни такомиллаштириш ва кейинги авлод маҳсулотини ярата оладиган илмий-муҳандислик муҳитини шакллантириш. Шу сабабли маҳаллий ишлаб чиқариш илмий тадқиқот, конструкторлик ишлари, тажриба-синов базаси ва сертификатлаш тизими билан биргаликда ривожланиши керак. Фақат шунда импорт ўрнини босиш оддий йиғиш жараёнидан ҳақиқий технологик компетенцияга айланади.

Халқаро ҳамкорлик айнан шу мақсадга хизмат қилиши лозим. Ўзбекистон Хитой, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Франция, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар билан энергетика соҳасида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Энди бундай ҳамкорликда инвестиция ва тайёр ускуна билан бирга технология трансфери, қўшма илмий-тадқиқот марказлари, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш, лицензиялаш ва қўшма ишлаб чиқариш механизмларига янада катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон энергетикаси бугун сифат жиҳатдан янги босқичга кирди. Янги электр станциялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия сақлаш тизимлари ва замонавий электр тармоқлари ишга туширилиши мамлакатнинг энергетик салоҳиятини сезиларли даражада оширмоқда. Бу жараён иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлиги ва саноатнинг рақобатбардошлиги учун мустаҳкам энергетик асос яратади.

Бироқ энергетика тараққиётининг узоқ муддатли самараси фақат ишга туширилган қувватлар билан эмас, балки ушбу тизимни мамлакатнинг ўзи қай даражада бошқара олиши, унга хизмат кўрсата олиши, технологияларни ўзлаштириши ва келгусида мустақил равишда ривожлантира олиши билан ҳам белгиланади. Шунинг учун “яшил” энергетикага ўтиш билан технологик мустақилликни таъминлаш бир-биридан ажралмас стратегик вазифалар сифатида қаралиши лозим.

Ўзбекистон учун энг мақбул йўл жаҳоннинг илғор технологияларига очиқ бўлган ҳолда уларни босқичма-босқич ўзлаштириш, миллий саноат ва илм-фан билан интеграция қилиш ҳамда критик йўналишларда ўз технологик компетенцияларини яратишдир. Ана шунда хорижий инвестициялар фақат янги энергетика объектларини эмас, балки мамлакат ичида янги билим, янги саноат, янги муҳандислик мактаби ва юқори технологияли иш ўринларини ҳам шакллантиради.

Энергетикада технологик мустақиллик шунчаки ускунани мамлакатда ишлаб чиқариш масаласи эмас. Бу энергетик хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик, рақамли суверенитет, миллий инновацион салоҳият ва келажак авлодлар учун рақобатбардош иқтисодиёт яратиш масаласидир. Ўзбекистон энергия ресурслари билан бирга ўз илми, муҳандислиги ва технологияларига таянган энергетика тизимини шакллантира олса, бу мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёти учун энг муҳим стратегик устунликлардан бирига айланади.

Ҳаётий ташаббуслар қанотида

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК АСОСИ

Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Аллон маҳалласи азалдан меҳнаткаш, миришкор, ишнинг кўзини биладиган аҳолисининг ташаббускорлиги билан ажралиб туради. “Маҳалла еттилиги” кўмагида улар барқарор даромадга эга бўлиб, қатор ютуқларга эришиб келмоқда.



— Маҳалламизда 3760 нафар фуқаро яшайди, — дейди Аллон маҳалласи раиси Сардор Жўраев. — Йил бошидаги хатловда ишсиз 69 фуқаро борлиги аниқланди. Ҳозиргача улардан 40 нафари ишли бўлди. Қолганларини ҳам тадбиркорлик, чорвачилик ва бошқа йўналишларга жалб қилиш чоралари кўрилмоқда. Йил якунига қадар ишсизликдан тўлиқ холи маҳаллага айланишни мақсад қилганмиз. Шунингдек, кам таъминланган 51 оилага ҳар томонлама кўмак берилиб, уларни камбағалликдан чиқариш бўйича ишланмоқда. Аҳоли даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Уларнинг фарзандларини мактабгача таълимга, мактаб ёшидагиларини тўгаракларга жалб қилдик. Маҳалламизда 7 та ички йўл бор. Уларнинг барчаси “Ташаббусли бюджет” маблағлари ҳисобидан тўлиқ асфальт қилинди. Маҳалламиз жиноятчиликдан холи ҳудудга айланган.

Маҳалла халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам анъаналари мужассам бўлган муҳим ижтимоий маскандир. У жамият ва давлат ўртасидаги яқин кўприк вазифасини бажаради. Маҳаллада аҳолининг муаммолари ўрганилади, эҳтиёжманд оилалар қўллаб-қувватланади, ёшлар ва хотин-қизлар билан алоҳида ишланади.

Аллон маҳалласида яшовчи Рисолат ая Арабова икки йил илгари “еттилик” кўмагида томорқасида иссиқхона қурган эди. Ҳозир меҳнати ортидан барқарор даромад топмоқда.

— Шу маҳаллада 43 йилдан буён яшайман, — дейди Рисолат Арабова. — Ҳозир 3 сотих иссиқхонамиз бор. Бодринг экканмиз, ҳосил чўғи баланд. Меҳнатимиз сабаб бир йилда 60 миллион сўм даромад қиламиз. Айни вақтда иссиқхонамизни янада кенгайтириш ҳаракатидамиз. Томорқамизнинг қолган қисмига ҳам иссиқхона қурсак, даромадимиз янада ошади.

Рисолат аяга ён қўшни бўлган Дилбар Исломова ҳам “маҳалла еттилиги” кўмагидан мамнун. Унга ажратилган 50 миллион сўм кредитга чеварлик фаолиятини ривожлантирди. У бажараётган бичиш-тикишга талаб доим юқори.

— Ёшлигимдан чеварликка қизиқ-қанман, — дейди Дилбар Исломова. — Фарзандли бўлиб, уйда қолганимда ҳунарим асқатди. Битта тикув машинаси билан иш бошладим. Буюртмалар кўпайгач, фаолиятимни янада кенгайтириш учун маҳалла масъуллари кўмагида имтиёзли кредит олиб, янги тикув машиналари харид қилдим. Шогирдларимни иш билан таъминладим. Ҳозир яна 100 миллион сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман.

Албатта, оилада аёл ҳам иш билан банд бўлса, турмуш фаровонлиги ошади. Фарзандлар меҳнатга ўрганади. Умуман, жамиятда аёллар фаоллиги яхши натижаларга асос экани ҳақиқат. Буни ўтган йиллардаги ислоҳотлар ва уларнинг ижобий натижаларида кўп бора гувоҳ бўляпмиз.

— Маҳалламиздаги хотин-қизлардан 88 нафари “Аёллар дафтари”га киритилган, — дейди Аллон маҳалласи фаоли Ирода Ғуломова. — Уларни иш билан таъминлаш ва барқарор даромадга эга қилиш учун барча чораларни кўряпмиз. Шунингдек, хотин-қизларимиз орасида жиноятчилик ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича оилавий қадриятлар комиссияси раиси билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Бу борада бизга нуронийлар катта кўмак бермоқда. Жорий йилда ажрашишга ариза топширган 7 та оиладан 6 тасини яраштиришга эришдик.

Маҳалланинг фахри аҳил оила, фаол фуқаро ва ундан ўрнак олиб улғайган ёш авлоддир. Буни дастуриламал деб билган “маҳалла еттилиги”нинг ҳар бир масъули ўз ишида доим собит.

— Маҳалламиз аҳолиси деҳқончиликдан ташқари чорвачиликда ҳам яхши натижаларга эришмоқда, — дейди Аллон маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Достонбек Эшпўлатов. — Яқинда Мўғулистондан келтирилган зотли қўйларни банд бўлмаган аҳолига тарқатдик. Ҳозир бошқа фуқароларимиз ҳам қўшимча даромад олиш мақсадида ушбу қўйлардан харид қилмоқда. Чорвачилик ривожланиши ортидан тадбиркорга сут маҳсулотларини маҳалламизнинг ўзида қайта ишлаш таклифини бердик. Ҳозир тадбиркор бу бўйича ўз ҳисобидан 15 минг долларлик лойиҳани амалга оширмоқда.

Бугун “маҳалла еттилиги” халқ таянчи. Берилган имконият сабаб ташаббуслар улар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Пировардида аҳолининг маҳалла масъуллари тимсолида ислоҳотларга ишончи ортиб бормоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАДБИРКОРЛИК ТАВАККАЛЧИЛИК ЭМАС



Орамиздаги одамлар

Бугун чиқиндиларни бошқариш соҳасида аҳоли, тадбиркор ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Сурхондарё вилоятидаги “BIO TEXNO EKO” МЧЖ айни шу йўналишда фаолият юритади. Тадбиркор Илҳомжон Боқижонов чиқиндиларга иккинчи ҳаёт бериш орқали табиатни асрашга ҳисса қўшмоқда.

Қаҳрамонимиз шу ишни бирдан бошлаб қолгани йўқ. У талабалик давридаёқ ер юзида чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни қизиқиш билан кузатиб борарди. Тўққиз йил давомида чиқиндиларни қайта ишлаш сирларини ўрганди. Бу изланишлар унга бир ҳақиқатни англатди: тадбиркорликнинг асоси таваккалчилик эмас, илмда!

Дастлаб Термиз шаҳри, Термиз ва Ангор туманларидаги 96 та маҳалла аҳлига санитар-тозалик хизмати кўрсатила бошланди. Кейинги қадам эса соҳа учун муҳим янгилик бўлди. Республикада биринчи бўлиб Ангор тумани Қорақир массивидаги 4 гектар ерда замонавий технологияли, бир кунда 500 тонна чиқиндини саралаш ва қайта ишлаш қувватига эга завод қурилди.

Президентимиз мазкур заводга ташриф буюриб, фаолиятга эътибор қаратгани тадбиркор учун катта ишонч ва янада юксак масъулият манбаига айланди. Бу ишонч ортидан янги ташаббуслар давом этди. Фаолият янада кенгайиб, чиқиндиларни ташиш, саралаш ва қайта ишлаш корхоналари Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ҳам очилди, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Тадбиркорлик фақат даромад олишдан иборат эмас. Элга наф келтириш, янги иш ўрни яратиб, жамият фаровонлигига хизмат қилиш ҳақиқий тадбиркорликдир, — дейди Илҳомжон Боқижонов. — Шу ниятда нафақат санитар-тозалик корхоналари, балки Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Термиз шаҳрининг бир неча маҳаллаларидаги кўп қаватли уйларда бошқарув-сервис компанияларини ҳам ташкил этдик. Қурилиш ташкилотимиз бор. Бундан ташқари, чиқиндилардан полиэтилен қувур ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Боғдорчилик ва ҳунармандликка асосланган лойиҳаларимиз мавжуд.

Тадбиркор халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Жумладан, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва Германия вакиллари билан келишувлар асосида бир неча лойиҳа доирасида ишламоқда. Натижада унга қарашли корхона ва ташкилотларда 3500 ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Ҳозир тадбиркор ишини янада ривожлантириш учун кадрлар масаласини кун тартибига чиқарди. У ёш ходимларини хориж тажрибасини ўрганиш учун чет элга ўқишга юбормоқда.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги фаолият билан бир қаторда янги йўналишларда ҳам ташаббуслар илгари сурилмоқда. Жорий йил бошида тадбиркор Шеробод туманидаги Хўжаикон туз кони имкониятларидан унумли фойдаланиш, атрофида туризм ва соғломлаштириш масканини ташкил этишга қаратилган лойиҳасига старт берди. “КараYurt” номи берилган бу лойиҳа бўйича қурилиш ишлари 2035 йилга қадар давом этади. Лойиҳа доирасида туз ғорлари, туз кўллари, тузли уйлар, ўрмон, ҳайвонот боғи ва MICE туризм маскани ташкил этилади.

Айни пайтда мавжуд туз захирасини қазиб олиш ва қадоқлаш йўлга қўйилиб, маҳсулот хорижга экспорт қилинмоқда. Бунинг учун Германияда савдо уйи ташкил этилди. Ҳиндистонда ҳам шундай дўкон очиш лойиҳаси бошланган.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Бугунги мураккаб дунёда турли бузғунчи ғоялар ёшлар онгини эгаллашга уринаётган бир пайтда чуқур ва асосли таълимнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам юқори. “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойили бу борада энг тўғри йўл эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

КЎЗГУ 5

2026 йил 30 сентябрь, 203-сон

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

АСРЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА...

100 ЁШДА ҲАМ ДАРС БЕРАЁТГАН МУАЛЛИМ ҚИССАСИ

Пойтахтдан йўлга чиққан тезюрар поезд воҳа томон илдамлар экан, юрагимни ҳаяжон ва энтикиш қамраб олди. Олис манзилни кўзлаб кетаркан, инсон йўл-йўлакай залворли ўйларга чўмади. Бундай пайтда ўтган умринг кўз олдингдан ўтади-ю, хаёлан уни тафтиш эта бошлайсан. Умр деган неъматни ҳар ким ўзича яшаб ўтади: кимдир уни ҳою ҳавасларга сарфласа, яна кимдир ҳар бир лаҳзасини қадрлаб, инсонларга яхшилик илиниш, зиё тарқатиш ва савоб ишлар қилишга ошиқади.




Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Яқинда ижодкор дўстларимиз билан суҳбатларнинг бирида воҳада юз ёш билан юзлашган, 75 йилдан буён муаллимлик қилиб келаётган отахон ҳақида эшитиб, ҳайратга тушдим. Етмиш беш йил бу — бир инсоннинг бутун бошли умри. Бу йилларни маърифат ва таълимга бағишлаш эса чинакам фидойилик дир. Шубҳасиз, бу йиллар ортидаги қанчадан қанча заҳмат, беором кунлар кўз олдимдан ўтди. Бу фидойи отахонни зиёрат қилиш ҳамда суҳбатини олиш мақсадида Қашқадарё томон сафарга отландим.

Косон туманидаги Сурхон маҳалласида истиқомат қилаётган Эгамшукур бобо Абдиев шу ёшида ҳам мактабга қатнаб, ўқувчиларга физика ва математика фанларидан дарс беради. Юзида олис йилларнинг суронли шамоли ўз изини қолдирган бўлса-да, кўзида яшаш завқи, сўнмас шижоат порлаб турибди. Бу инсонни кўрганимда, суҳбатини тинглаганимда “Чинакам инсон умри аслида мана шундай бўлмоғи керак” деган ҳавас ва ҳайрат юрагимни қамраб олди.

Бобо билан суҳбатимиз жуда самимий кечди. Олис болалик йилларини эслар экан, отахон мен билан худди юз йиллик қадрдондек гап бошлади:



— Э болам, қадимгилар “Бош қаттиқми, тош қаттиқми?” деган саволга “Бош қаттиқ” деб жавоб берган экан. Мен ҳам ўз замондошларим қатори ўша суронли йилларнинг неча-неча оғир ва аянчли кунларини кўрдим. Аслида, боболарим Қаршининг ўзига тўқ, бадавлат кишиларидан бўлган. Шўролар келгач, Бегимқул бобомнинг бор мол-мулки, ери, олтин-кумушларию сурув-сурув чорвасини тортиб олиб, ўзини Тожикистон томонларга “қулоқ” қилиб юборган. Жон сақлаш мақсадида улар кўп йиллар тоғма-тоғ кўчиб юрган. Бу даврда оиламиз жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. Ҳатто ўша жойларда ҳам тинч қўймай, бобомни Сибирга сургун қилишди. Мен ўша оғир даврда, яъни 1926 йилнинг 5 февралида Тожикистон Республикасининг Кўлоб туманида туғилганман. Кўп йиллик саргардонликдан сўнг отам ва амакиларим яна юртга қайтишга интилиб, Сурхондарёга келиб жойлашган. Отам жуда бақувват, меҳнатдан қочмайдиган, чайир инсон эди. У ака-укалари ва яқинларини жамлаб, бу ердаги қаровсиз ерларни ўзлаштирди, тошлоқ ва унумсиз жойлардан мўл ҳосил етиштирди. Шу тариқа халқни очарчиликдан олиб чиқишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Эсимда, ўша пайтларда мен 6-7 яшар бола эдим. Қорнимиз оч, устимиз эса юпун эди. Ҳатто қишда ҳам титилиб кетган эски пахтали кўйлакда, оёғимда онамнинг таги йиртиқ калиши билан юрардим. Пода боқар эдим. Қўл-оёғим музласа, югуриб бориб, гулханда исиниб олардим-да, яна отам айтган юмушларга уннардим. Болалар ичида чайири ва тетиги бўлганим учун кун кўриш мақсадида қандай меҳнат бўлмасин, отамнинг ёнида туриб бажарардим. Мол боқиш, эчки соғиш, бошоқ териш ёки ерни катта-катта харсангтошлардан тозалаш бўладими — барчасини қилардим. Қорнимиз овқатга тўймасди. Ҳар куни момом бир ҳовучгина арпани туйиб, амаллаб нон ёпиб берарди. Ўша арпа нонни еб, яна меҳнат қилардик. Баъзида далада ҳолсизликдан кўзим тиниб, ҳушдан кетардим. Яна ўзимга келиб, далада ўсган каврак, чучмома ва қорағат илдизларини чайнаб сўрардим. Бу эса бир оз бўлса-да, очликни босарди. Шундай оғир аҳволда ҳам меҳнатдан қочмасдик.



> **Ўтган асрнинг 60-йилларида кўп қатори уларнинг оиласи ҳам Шеробод чўлини ўзлаштириш мақсадида кўчирилади. Шунча қийинчиликлар ҳам қаддини бука олмаган Эгамшукур бобо 1963 йили чўл хўжалигида Мирзо Улуғбек номидаги етти йиллик мактабни ташкил этишга бош-қош бўлди.**

Эгамшукур бобо оғир кечган болалик йилларини эслар экан, ўша давр изтиробли қалбини ўртаб, кўзи ёшланди ва чуқур ўйга толди. Отахоннинг уруш йилларидаги ҳаёти ҳам осон кечмади. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, отаси биринчилар қаторида фронтга отланди, аммо ҳарбий комиссариат уни фронт ортини озиқ-овқат билан таъминлаш ишларига сафарбар этади. Бу пайтда ўспирин ёшдаги Эгамшукур отаси билан бирга фронтни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш учун кечаю кундуз тинмай далада меҳнат қилди.

— Номи ўчгур урушнинг илк йиллари. Ҳамма саросимада. Бир бурда нон инсондан ҳам қадрли бўлиб кетган даврлар эди, — дея хотирлайди бобо. — Ёшу қари, аёллар ва болалар қишлоқ хўжалиги юмушларига жалб қилинди. “Ҳамма нарса фронт учун!” шиори остида бор ҳосилни териб-йиғиб жўнатардик. Далада ҳосил қолмасди, ҳатто ерга тушган бир дона бошоқни ҳам териб олишга рухсат йўқ. Қишлоқ аҳли очнаҳор кун кечирарди. Биз, болалар, ҳатто чумолининг уясини ковлаб, ундан чиққан бир-ярим ҳовуч буғдой топсак, ола солиб кавшардик. Онам шоли курмагидан зоғора ёпиб берса, ўша куни қорнимиз бир оз тўйгандек бўларди. Хуллас, қимматчилик ва қаҳатчилик йилларини бошимиздан ўтказдик.

Гарчи ҳаёти оғир синовларга тўла бўлса-да, Эгамшукур бобо ҳамиша илм олиш ва маърифатли бўлишга интилди. Урушдан кейин ўрта мактабни битириб, Термиз шаҳридаги Ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқиди. Кейин эса Бухоро давлат педагогика институтининг физика ва математика факультетида таҳсил олди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида кўп қатори уларнинг оиласи ҳам Шеробод чўлини ўзлаштириш мақсадида кўчирилади. Шунча қийинчиликлар ҳам қаддини бука олмаган Эгамшукур бобо 1963 йили чўл хўжалигида Мирзо Улуғбек номидаги етти йиллик мактабни ташкил этишга бош-қош бўлди. Бу мактаб дастлаб ертўлада иш бошлаган бўлса, кейинчалик ёш педагогнинг жонбозлиги туфайли замонавий кўринишда қайта қурилди. 1969 йили хўжаликда 400 ўринли икки қаватли мактаб биноси қад ростлади.

— Ўша оғир даврларда мактаб қуришнинг ўзи бўлмасди, — дейди бобо. — Дастлаб ертўлада дарс ўтдик. Ўзимиз ҳам ертўлада яшардик. Тинимсиз афғон шамоли эсиб, қум худди ёмғирдай ёғади, кўз очгани қўймайди. Бошимда битта шляпа, эгнимда макинтош билан тушгача болаларга дарс берардим. Шароит йўқ: сув йўқ, чироқ йўқ. Тушдан кейин трактор чақиртириб, мактаб ҳовлисида ер ковлатардим. Тошлоқ ер бўлгани учун ишлаш жуда қийин эди. Бир оз ишлагач, трактор чам кетиб қоларди. Сўнг қўлга кетмони олиб, бир-икки ўқитувчи билан ўзимиз ер ковлардик. Шундай азоблар билан ерни тошдан тозалаб дарахт экардик, сув чиқарардик. Ўқитувчилар ҳам етишмасди. Уйимизга тун яримлаганда қайтардик. Уйга бориб ҳам тиним йўқ эди: оилам қориб қўйган лойни олиб, ой ёруғида сомоншувоқ қилиб девор сувардим. Ҳориб-чарчаб, бир-икки соат ухлардим-у, яна тонг отиши билан макинтошимни кийиб, мактабга йўл олардим.

Шундай қийинчиликларга қарамай, ўзи лойдан кўтарган мактабда бобо 23 йил давомида директорлик қилиб, қишлоқ болаларини илмли ва саводли қилиш йўлида бор куч-ғайратини сарфлади.

1985-1986 йилларда эса Қарши чўлларини ўзлаштириш даъватига қалб амри билан лаббай деб жавоб берган Эгамшукур бобо қариндошлари билан бирга Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Сурхон қишлоғига кўчиб келади. Қарангки, оғир шароитларда чиниққан бобо бу ерда ҳам мактаб қуриш ва ташкил этишда ташаббус кўрсатади. Ҳамиша маърифат машъаласини баланд кўтарган, юрт келажаги бўлмиш ёшларнинг илмли бўлишини чин дилдан истаган Эгамшукур бобо 1985 йилдан буён ўзи бунёд этган 24-мактабда ўқувчиларга дарс бериб келмоқда.

— Мактаб — иккинчи уйим, — дейди бобо меҳр билан. — Мен мактабсиз, ўқувчиларимсиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Яратган менга қайта танлаш имконини берганида ҳам, албатта, яна муаллимлик касбини танлаган бўлардим. Ўша оғир ўсмирлик даврларимда отам: “Кел, қўй, болам, менга ёрдам бериб, деҳқончилик қил”, деганида: “Йўқ, ота, нима бўлса ҳам, қанчалик қийин бўлмасин, албатта, ўқитувчи бўламан!” дея аҳд қилган эдим ва бундан ҳеч қачон афсусланмаганман. Инсон ўз олдига эзгу мақсад қўйиб интилса, ихлос билан ўқиб-ўрганса, ниятига етади. Мен бутун ҳаётим давомида шунга қатъий амал қилдим. Бугун эса мана шу заҳматли меҳнатларимнинг мевасини кўряпман деб ўйлайман.

Мени Эгамшукур бобонинг ҳамон теран зеҳн ва ўткир хотира соҳиби экани ҳайрон қолдирди. Фурсатдан фойдаланиб, бобога ўзимни қизиқтирган саволни бердим:

— Бобо, 100 ёшдан ошсангиз ҳам шунчалик тетик ва серғайратсиз. Хўш, бундай узоқ умр кўришнинг сири нимада деб биласиз?

— Болам, бу саволни менга жуда кўп беришади. Ўйлайманки, ҳар бир инсон ўзига ато этилган умрни фақат эзгуликка сарфлашни ният қилиши керак. Ҳаётимнинг асосий қисми оғир паллаларга тўғри келди: саргардонлик, очлик, машаққатли меҳнат... Аммо ҳар қандай пайтда ҳам одамларга яхшилик қилишни тўхтатмадим, халқимга фойдам тегишини истадим. Кимгадир ёрдамим тегса, аввало, ўзим чин дилдан хурсанд бўламан. Етмиш беш йиллик ўқитувчилик фаолиятим давомида минглаб шогирдларимнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашдим. Ҳозир таълим бераётган ўқувчиларимнинг ота-оналарию момо-боболарини ҳам ўқитганимдан фахрланаман. Улар эришган ҳар бир муваффақиятда менинг ҳам меҳнатим борлигидан қувонаман. Мана шу қувонч, шукроналик ва яхшиликка интилиш инсон умрини, албатта, узайтиради деб ўйлайман. Бугун шогирдларимнинг кўплигидан, уларнинг эъзозида эканимдан чексиз мамнун бўламан. Улар мени ҳамон Тошкент, Сурхондарё, Бухоро ва юртимизнинг бошқа гўшаларидан меҳр билан йўқлаб келади. Ахир шунинг ўзиёқ бир муаллим учун энг буюк бахт эмасми?!

Эгамшукур бобонинг ҳаётбахш ўгитларини юракка тугиб қайтар эканман, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга, шундай улуғ инсонларнинг босиб ўтган умр йўлига ҳар қанча ҳавас қилсак, қанча шукрона айтсак камлигини яна бир бор ҳис этдим. Бундай фидойи муаллимларнинг нурли ҳаёти ва заҳматли меҳнати ҳамиша қадр топиб, асрлар оша халқимиз қалбида яшайди.

Эҳтиром

УСТОЗ – ИЛМ ЗАНЖИРИНИНГ ТИРИК ҲАЛҚАСИ

Ҳар йили 1 октябрда ўзбек халқи Ўқитувчи ва мураббийлар кунини кенг миқёсда нишонлайди. Бу сананинг давлат байрамлари қаторидан жой олгани ҳамда шу куни ҳамма устозларни қутлаши бу юртда илм ва илм аҳлига юксак эътибор билан қаралишини яққол кўрсатади. Мен 2020 йилдан буён ушбу мамлакатда хизмат қилиб, таълим даргоҳларида талабаларга сабоқ бериб келмоқдаман.



Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими

Она юртим Мисрда мактаб партасида ўтирган пайтларим ҳамон ёдимда. Ўшанда ҳар бир ўқувчи Аҳмад Шавқийнинг қуйидаги машҳур байтини хиргойи қилиб юрарди:

Муаллимнинг олдида тик туриб,
қилгин таъзим,
Қарийб пайғамбар каби
мақомдадир муаллим.

Бу байт араб оламида асрлар давомида шаклланган устозга ҳурмат қадриятининг қисқа ифодасидир. Ўзбекистонга келганимдан сўнг эса худди шу руҳни бу мамлакат одамларининг кундалик ҳаётида, шогирдларнинг устози қаршисида катта ҳурмат-эҳтиром билан туришида кўрдим ва қалбим қувончга тўлди.

Ўзбекистон — ислом илмлари тарихида алоҳида ўрин тутган диёр. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, “Сунани Термизий” соҳиби Имом Термизий, ақида илмида аҳли сунна вал жамоанинг буюк имоми Абу Мансур Мотуридий, фиқҳ илмида “Ҳидоя” асари билан бутун дунё ислом илоҳиётшунослари учун асосий манбани битган Бурҳониддин Марғиноний, Абу Муин Насафий ва Нажмиддин Умар Насафий каби даҳолар айнан шу тупроқдан етишиб чиққан. Уларнинг асарлари бугун ҳам дунёнинг кўплаб илм марказларида ўқитиб келинмоқда.

Бу алломалар ўз-ўзидан етишиб чиқмаган. Улардан ҳар бирининг ортида ўнлаб фидойи устозлар — сабр билан дарс берган ва шогирдининг қалбига илм муҳаббатини жойлаган муаллимлар туради. Имом Мотуридийнинг Абу Наср Иёдий ва Абу Бакр Жузжоний каби устозлари орқали Имом Аъзам Абу Ҳанифага бориб туташган илм силсиласи бунинг ёрқин мисоли. Ислом илмий анъанасида илмнинг устоздан шогирдга узлуксиз занжир орқали етиб келиши бежиз муқаддас саналмаган. Мазкур занжирнинг ҳар бир ҳалқаси бир устоздир. Бугун ҳам ҳар бир муаллим ана шу занжирнинг тирик ҳалқаси, ўтмиш билан келажакни боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкдир.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни кузатиб, бу юртда устозга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистон Президенти илгари сурган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясининг марказида айнан таълим-тарбия, яъни мактаб, олий ўқув юрти ва устоз шахси туради. Давлат раҳбарининг нутқларида ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги ўрни, обрўси ва ижтимоий ҳимояси масалалари мунтазам кўтариб келинаётгани ҳам бунинг далилидир.



Янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунда педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва кафолатлари, уларнинг касбий шаъни ва қадр-қиммати қонун ҳимоясига олинган бўлиб, ўқитувчиларни ўз вазифасига алоқадор бўлмаган ишларга жалб этилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Бу устознинг вақти ва меҳнати, энг аввало, шогирдларга билим беришга сарфланиши керак, деган адолатли тамойилнинг ҳуқуқий ифодасидир.

Педагогларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, уларнинг малакасини ошириш, миллий ва халқаро сертификатларга эга ўқитувчиларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди. Янги мактаблар ва замонавий ўқув бинолари қурилаётгани, таълим муассасаларининг рақамли технологиялар билан жиҳозланаётгани эса муаллимларнинг ўз маҳоратини тўла намоён этиши учун қулай шароит яратмоқда.

Мен учун, айниқса, қадрлиси Ўзбекистонда исломшунослик ва диний-маърифий таълим соҳасида қилинаётган ишлардир. Ўзим фаолият юритаётган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази 2020 йилда ташкил этилган. Шу тариқа мен ушбу муассасанинг дастлабки қадамларидан тортиб, бугунги илмий ютуқларига қадар бўлган йўлда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим.

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази мотуридийлик таълимотини чуқур ўрганиш, бу йўналишдаги алломаларнинг ҳаёти ва илмий меросини тадқиқ этиш, ноёб қўлёзмаларнинг янги илмий-танқидий матнини нашр этиш, таржима ва тарғиб қилиш вазифаларини бажармоқда. Юрт келажаги бўлган ёшларга ақида ва калом илми ҳамда мумтоз қўлёзма манбаларни ўқиш кўникмаларини ўргатар эканман, уларнинг илмга чанқоқлиги, заковати ва одоби мени доимо ҳайратга солади.

Тошкентда барпо этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва бошқа алломалар номидаги марказлар мамлакатнинг бой илмий меросини жаҳонга танитиш билан бирга янги авлод устозларини тайёрлашга ҳам хизмат қилмоқда. Хорижий илмий марказлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик, халқаро конференциялар, олимлар алмашинуви ва қўшма нашрлар эса Ўзбекистонни ислом илм-фанининг нуфузли марказларидан бирига айлантирмоқда. Мен ҳам ана шу ҳамкорлик кўпригининг бир бўлаги эканимдан фахрланаман.

Бугунги мураккаб дунёда турли бузғунчи ғоялар ёшлар онгини эгаллашга уринаётган бир пайтда чуқур ва асосли таълимнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам юқори. “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойили бу борада энг тўғри йўл эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Имом Мотуридий таълимотининг асосий хусусиятларидан бири мўътадиллик, бағрикенглик ва ҳар қандай бидъат-хурофотдан йироқликдир. Бу таълимотни тўғри ўқитиш, уни ёшлар қалбига етказиш эса, аввало, илмли, дунёқараши кенг ва ўз шахсий намунаси билан ибрат бўла оладиган устозлар зиммасида.

Чунки шогирд устоздан фақат билим эмас, балки хулқ, одоб ва ҳаётга муносабатни ҳам ўрганади. Улуғларимиз ўз фарзандларини устозга топширар экан, “Унга илмдан олдин адаб ўргатинг”, дея илтимос қилгани бежиз эмас. Имом Моликнинг онаси ўғлини устоз ҳузурига юбораётиб, аввало, ундан одобни, кейин эса илм ўрганишни тайинлагани ҳақидаги ривоят ҳам айни шу ҳақиқатни ифодалайди.

Ўтган олти йил давомида Ўзбекистон мен учун она ватаним каби яқин бўлиб қолди. Бу юртда мен нафақат устоз, балки доимо ўрганувчи шогирд ҳам бўлдим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, меҳр-оқибати, каттага ҳурмат ва кичикка иззат каби гўзал анъаналаридан, шунингдек, бу диёр олимларининг камтарлиги ҳамда фидойилигидан кўп нарсани ўргандим. Менга ушбу табаррук заминда илмий ва педагогик фаолият юритиш имконини берган Ўзбекистон раҳбариятига, ўзим фаолият билан шуғулланаётган муассасалар раҳбарияти ва жамоаларига, қолаверса, барча ҳамкасбларимга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Шу кунларда ўзбек мактаблари, олий ўқув юртлари ҳамда мадрасаларида машаққатли ва ғоят шарафли меҳнат қилаётган барча устоз ҳамда мураббийларни, шунингдек, бутун умрини таълим-тарбияга бағишлаган фахрий ўқитувчиларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклайман. Парвардигор барчангизга сиҳат-саломатлик, меҳнатингизга барака берсин, шогирдларингизнинг ютуқларини кўришни насиб этсин. Илм занжири ҳеч қачон узилмасин, устозлар қадри ҳамиша баланд бўлсин!



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
yuz.uz_news
yuz.uz_news

Мулоҳаза

БОЛАЛАР КИТОБ ЎҚИМАЯПТИ(МИ)?

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бир дўстимиз жорий ўқув йили бошида 8-синфда ўқиётган ўғлини Бухоронинг Қоракўл туманидаги хусусий мактабга жойлаштириб келди. Бу мактабда ўқиш пулли, қолаверса, ўғли оиладан, ота-онасидан узоқда яшайди, қийналиши, зерикиши мумкин. Лекин ота ўғлининг билим олишини, келажакда қийналмаслигини, ҳаётда ўз йўлини топиб кетишини истайди. Шунинг учун ҳам бу ишга қўл урди. У таваккал қилмади, балки ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келди. Дарвоқе, ташаббус ўғлининг ўзидан чиққан. Шундай қилиб, дўстимизнинг ўғли бугун пойтахтдан салкам 650 километр йироқдаги мактабда билим олмоқда.

Қизиқ ҳолат, шундай эмасми? Одатда, кўпчилик ёшлар билим олиш мақсадида ўз қишлоғини ташлаб, шаҳарга йўл олади. Юқоридаги ҳолатда эса ўқувчи барча имкониятга эга катта шаҳарни тарк этиб, юртимизнинг чекка туманидаги бир мактабга кетди.

Нега бу воқеани эсладим? Гап шундаки, кейинги пайтларда одамлар ўртасидаги мулоқотларда, суҳбат ва учрашувларда “Болалар ўқимай қўйди” деган баҳсли мулоҳазалар кўп айтиладиган бўлиб қолди. Хўш, ҳақиқатан шундайми? Ростдан ҳам ҳозирги авлод ўқимай қўйдими? Болалар саводсиз бўлиб вояга етяптими?

Келинг, ушбу саволларга жавоб топиш учун атрофга бир назар ташлаб, мамлакатимиз таълим тизимидаги ҳолат ва жараёнларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Кутубхоналарда жой йўқ

Ҳозир дунёда, жумладан, Ўзбекистондаги ёшлар ҳаётида ҳам жуда қизиқ жараён кечмоқда. Ижтимоий тармоқлар фарзандларимизнинг вақтини банд этаётгани ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани бор гап. Аслида, ижтимоий тармоқлар фақат ўқувчилар, ўсмирлар ва ёшларни эмас, балки бешикдаги гўдакдан тортиб, етмиш-саксон ёшни қоралаган кампиру чолларни, далада деҳқончилик қилаётган деҳқондан тортиб, кўчада киракашлик қилаётган ҳайдовчиларни ҳам домига тортиб бўлган. Бунга исбот излаб юриш шарт эмас, эътироз билдиришга ҳам ўрин йўқ. Ҳар қадамда бу ҳолатга дуч келяпмиз. Ижтимоий тармоқларда бугун ҳар бир соҳа вакилларининг, бундан ташқари, қариндошлар, синфдошлар, курсдошлар ва армияда бирга хизмат қилган сафдошларнинг мунтазам мулоқот қилиб турадиган ўз гуруҳлари бор.

Лекин шундай шароитда ҳам ўқийман деган бола ўқияпти, изланяпти, фойдали машғулотлар билан шуғулланяпти. Улардан бири ҳақида юқорида айтиб ўтдик: у илм ўрганиш мақсадида уйидан олис бир туманга йўл олган. Қолаверса, мактабларга бориб кўринг, ўқувчилар ва ўқитувчилар билан гаплашинг. Бу даргоҳга чин маънода ўқиш истагида бораётган ўғил-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Улар ўқитувчилари атрофида бирлашиб, китоб ўқияпти, турли машғулотларга қатнаяпти, қўшимча дарсларга боряпти.

Албатта, ота-онасидан қўрқиб ёки уларнинг зўрлови ва қистови билан мактабга келадиганлар, ўқишни иккинчи даражали иш ёки ортиқча юмуш деб биладиганлар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин улар унчалик кўп эмас, назаримда. Аксарият болалар ўқишни, ҳунар ўрганишни ва келажакда яхши касб эгаси бўлишни истайди.

Кейинги бир йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига уч-тўрт марта бордим. Кутубхонада ўтириб китоб ўқишга жой йўқ, ўриндиқларнинг барчаси банд. Кимлардир ҳатто ерда ўтириб, китоб мутолаа қиляпти. Демоқчимизки, китоб ўқиётганлар жуда кўп. Айримлар бадиий асарларни ва ўзига керакли адабиётларни смартфони ёки ноутбукига юклаб олган. Шунинг учун улар йўлда ҳам, метрода ҳам, уйда ҳам бу китоблардан бемалол фойдаланмоқда.

Пойтахтимиздаги бошқа кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ҳам аҳвол шундай: китоб ўқишга жой етишмайди.

— Китоб дунёдаги энг бебаҳо, нондек азиз неъматлардан, — дейди Тошкент шаҳридаги “Билим” ахборот-кутубхона маркази директори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Ҳафиза Каримова. — Бола қалбидаги энг гўзал туйғулар ва чин инсоний фазилатлар бадиий асарлар ҳамда китоблар мутолааси орқали аста-секин шаклланиб боради. Ёшлар қайси соҳани танламасин, олдига қўйган мақсади ва орзусини амалга ошириш учун, албатта, китобга мурожаат қилади. Бугун кутубхонага мутолаа учун келаётганларнинг аксариятини мактаб ўқувчилари ва талабалар ташкил этади. Уларнинг илмга, ўқишга интилишини кўриб, ҳавасим келади.

Ўтмишга назар

Баъзиларнинг фикрича, илгари, айниқса, шўролар даврида одамларда китоб ўқишга иштиёқ жуда баланд бўлган. Шунинг учун ҳам китоблар бугунгидек 500, 1000 ёки 2000 нусхада эмас, балки 50-100 минг ададда чоп этилган. Таниқли шоир ва ёзувчиларнинг китоблари дўконларда ҳатто яширинча сотилган.

Тўғри, ўша пайтда бадиий адабиёт ўқишга қизиқиш нисбатан кучли эди. Одамлар китоб дўконларидан ўзи яхши кўрган асарларни излаб топиб ўқирди. Лекин мактаб дастурлари ва дарсликларни ўқиш ҳамда ўзлаштириш ҳозирги даражадан баланд эмасди. Хулоса шуки, ўша пайтларда ҳам ўқишни истаганлар ўқиган, истамаганлар эса йўқ.

Гап исботи билан. Бир дўстимнинг айтишича, 1977 йили 10-синфни 50 ўқувчи битирган. Шунча йигит-қиздан бор-йўғи тўрт нафари институтга ўқишга кириб, олий маълумотли бўлган. Ўша тўрт ўқувчининг икки нафари ҳам мактабни битирган йили эмас, балки кейинги йили олий ўқув юртига кирган. “Синфдошларимиз орасида ўқишга келмай, қўй боқиб юрадиганлар ҳам, отасининг ўрнига далага ишга чиқадиганлар ҳам, шунчаки ўқишни истамайдиганлар ҳам бор эди, — дейди дўстим. — Мактабни битиргандан сўнг уларнинг айримлари хўжаликда тракторчи, бригадир, сувчи, оддий ишчи бўлиб ишлади. Маоши тирикчилигига етмаганидан нолиганлари ҳам бўлди”.

Хўш, бу борада бугунги аҳвол қандай? Тан олиб айтиш керак, ҳозир айрим мактабларнинг битирувчилари юз фоиз олий ўқув юртлари талабаси бўлмоқда. Албатта, кейинги йилларда олий таълим муассасалари сони нисбатан анча кўпайди, лекин бу бир мактаб ўқувчиларининг юз фоиз ўқишга киришига асосий сабаб шу бўлди дейиш нотўғри.

Ҳақли хавотир

Бу йилги ўқишга кириш жараёни ёшларимизнинг кўпчилиги билим олишни муҳим мақсад сифатида кўраётганини тасдиқлади. Жорий йилда мамлакатимиз мактабларини салкам 500 минг ўқувчи битирди. Уларнинг 333 минг 463 нафари олий таълим муассасаларига кириш тест синовларида иштирок этди.



Бу — ҳар 100 битирувчидан тахминан 73 нафари олий маълумот эгаси бўлишга қарор қилган деганидир. Улар тўплаган ўртача балл ҳам аввалги йиллардагига қараганда сезиларли даражада яхшиланиб, 92,5 баллни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган йили 80,9 балл эди.

Мактаблардаги таълим сифатини ҳудудлар мисолида олиб кўрсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади. Жорий йилда Навоий вилояти мактабларини битирган ўқувчиларнинг 52,5 фоизи, Бухоро вилояти мактабларини битирган ўқувчиларнинг 37,9 фоизи олий ўқув юрти талабаси бўлган. Кучли учликни Жиззах вилояти мактаблари битирувчилари якунлаган — 35,9 фоиз.

Кўриниб турибдики, бу йил талаба бўлиш учун рақобат нафақат катта, балки жуда юқори бўлган. Жумладан, 4825 битирувчи 189 балл, яъни максимал натижани қайд этган. 2025 йилда бундай битирувчилар сони 619 нафарни ташкил қилган эди. Қаранг, максимал балл қайд этганлар сони бир йилда 8 баробар кўпайибди. Бу натижага фақат тест тизими нуқтаи назаридан эмас, балки ёшларнинг фанларни чуқур ўзлаштиришга интилиши нуқтаи назаридан ҳам қараш лозим. Дарвоқе, жорий йилда барча фандан тегишли сертификатга эга абитуриентлар тест синовларидан озод қилиниб, тўғридан тўғри танлов босқичига ўтказилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири яқинда мухбирларга берган интервьюларидан бирида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бу йилги қабул вақтида кузатилган ҳолат ҳақида гапириб ўтди ва ҳайратини яширмади. Унинг айтишича, университетга 550 абитуриент қабул қилиниши керак эди. Лекин 3200 абитуриент максимал — 189 балл тўплаб, талаба бўлибди.

Келгуси йили максимал балл тўплайдиганлар сони бундан ҳам кўп бўлади, бунга шубҳа йўқ. Шундай ҳолатда, агар етакчи олий таълим муассасаларининг ҳар бирига ўртача 5000 дан абитуриент ҳужжат топшириб, ҳаммаси максимал балл тўпласа, аҳвол нима кечади? 500 ўринга 5000 талаба қабул қилинаверадими? Олий таълим муассасаларида улар учун етарли шароит яратилганми? Ўқитувчилар ва аудиториялар етарлими? Вилоятлардан келган талабалар учун ётоқхоналар борми? Бу саволлар мутасаддиларнинг ҳақли хавотирига сабаб бўлиши табиий.

Хусусий мактабда таълим олмоқчимисиз?

Кейинги йилларда юртимизда давлат мактаблари қаторида хусусий мактаблар ҳам кўпайиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 100 дан зиёд хусусий мактаб бор. Улардаги тўлов ойига тахминан ўртача 4 миллион сўмдан 25 миллион сўмгача. Ўша мактаблар ҳақидаги хабар ижтимоий тармоқларда роса оммалашгани учун рўйхатни келтиришни лозим топмадик. Вилоятларда ҳам кўплаб хусусий мактаблар очилмоқда. Улардаги нарх Тошкентдагига нисбатан бир оз паст бўлиши мумкин.

Нима учун хусусий мактаблар ва улардаги таълим нархи ҳақида сўз очганимизни тушунган бўлсангиз керак. Мана шу мактабларга ўғил ёки қизингизни жойлаштирмоқчи бўлсангиз, анча тер тўкишингизга тўғри келади. Чунки уларда кўпинча бўш ўрин бўлмайди. Ишонмасангиз, телефон рақамларини топиб, қўнғироқ қилиб кўринг. Бу бугун кўплаб ёшларимиз барча имкониятга эга, хоҳишлик ўқитувчилар дарс берадиган мактабларда таълим олишни истаётгани далолатидир.

Билим ортидан дунё сари

Бугун ўзбек ёшларининг орзулари аллақачон дунёга юз тутган. Улар жаҳоннинг энг нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга кириб, замонавий илм-фан ва технология сирларини ўрганмоқда. Масалан, ўтган йилнинг январь-октябрь ойларида хорижга 26,4 минг, жумладан, Россияга 5836, Жанубий Кореяга 3344, Туркияга 2256, Буюк Британияга 839, Германияга 366 ва АҚШга 318 йигит-қиз билим олиш мақсадида йўл олган.

Президент таълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаблар ёки оддий қишлоқ мактабини тугатиб, грант асосида дунёдаги энг нуфузли олий ўқув юртларида ўқиётган ёшларимиз қанча! Бу ёшларнинг қизиқиши турлича, албатта. Кимдир сунъий интеллект ва дастурлаш соҳасида тадқиқот олиб борса, яна кимдир тиббиёт, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар ёки муҳандислик йўналишида билим олмоқда. Аммо уларни бирлаштириб турадиган умумий жиҳат бор: уларнинг аксарияти билимни фақат шахсий манфаат учун эмас, балки кенгроқ мақсадлар йўлида сарфлашга интилмоқда. Улар олган билими ва тажрибасини Ватан тараққиётига йўналтириш, янги технологияларни Ўзбекистонга олиб кириш, замонавий бизнес ҳамда илмий лойиҳаларни ривожлантириш ва ёш авлодга ўз тажрибасини ўргатишни мақсад қилган.

Бир мисол келтираман. Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилган Шодиёрхон Абдивойитов Гарвард университетини тугатган. У бемалол АҚШда қолиши ёки Европанинг бирорта давлатига бориб, йирик компаниялардан бирида ишлаши мумкин эди. Бунинг учун унинг билими ҳам, иқтидори ҳам, имконияти ҳам етарли эди. Лекин Шодиёрхон ўз юртида ишлашга қарор қилди. Унинг таълим соҳасидаги ташаббуслари бугун кўплаб ёшларга илҳом бермоқда.

Улуғ мақсадлар йўлида

Олий маълумот олишга интилиш ортиши табиий равишда “Бу эҳтиёж китобхонликда ҳам кўриняптими?” деган саволни келтириб чиқаради. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Ёш китобхон” танлови мунтазам ўтказиб келинмоқда. Унда юз минглаб ўғил-қизлар иштирок этмоқда. Бу эса бугун ўқувчи ва талабалар бевосита китоб мутолааси билан банд эканини англатади.

Бундан ташқари, “Ёш китобхон оила” танлови ҳам йилдан йилга оммалашиб бормоқда. 2024 йилда бу танловда 94 минг оила қатнашган бўлса, жорий йилда қарийб 96 минг ёш оила иштирок этиш учун онлайн рўйхатдан ўтган.

Тўғри, танловда қатнашиш кўрсаткичини барча ёшларнинг китоб ўқиш даражаси сифатида қабул қилиб бўлмайди. Аммо бу юртимизда китоб ўқишга қизиқувчи ёшлар борлигини ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётганини англатади.

Жорий йил бошида китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган янги чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурида энг кўп китоб ўқиган ўқувчи ва талабалар ўртасида “TOP-100 китобхон” танловини ўтказиш ҳамда ғолибларни рағбатлантириш назарда тутилди. Ҳар бир ғолибга базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида мукофот берилиши белгиланган. Яна бир муҳим мақсад ёшларнинг китобхонлик кўрсаткичини йилига ўртача 12 та китобга етказиш ва электрон китоб платформаларидан фойдаланиш қамровини кенгайтиришдир.

Тўғри, бутун юртимизда ҳамма ёш китоб ўқияпти деган хулосага келишга ҳали эрта. 2025-2026 йилларда “Ижтимоий фикр” маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 16,4 фоизи ҳар куни, 16,5 фоизи эса ҳафтада бир неча марта китоб ўқишини айтган. Бу рақамлар биз кутгандан анча паст. Ўқувчилар орасида ҳозирги олим, ёзувчи ва шоирларимиз у ёқда турсин, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Форобий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби дунё тан олган буюк аждодларимизни, юртимиз озодлиги учун курашган жадид маърифатпарварларини ҳам билмайдиганлар учраб туради.

Шундай бўлса-да, хавотирланишга асос йўқ. Чунки кейинги йилларда ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида қилинаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Сўровномага эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар куни китоб ўқийдиганлар улуши 2025 йилдаги 10,2 фоиздан 2026 йилда 16,4 фоизга ошган. Демак, ижтимоий тармоқларнинг зарарли жиҳатларини тушуниб бораётган ва китоб ўқишга иштиёқи ортаётганлар сони бир йилда 6,2 фоиз кўпайган. Шу ўринда сўровномада қатнашганларнинг кўпи айнан бадиий китоб ўқиш масаласида фикр билдирганини ҳам эътиборга олиш лозим.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда китоб мутолааси билан шуғулланаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Зеро, китоб ўқиётган авлод фақат бугуннинг ўқувчиси эмас, балки эртанги куннинг етук мутахассиси, олими, муҳандиси, шифокори, ўқитувчиси, тадбиркори ва раҳбарлари. Бошқача таърифласак, улар мамлакатнинг эртанги интеллектуал салоҳиятидир.

Гапимизга нуқта қўйишдан олдин сарлавҳадаги асосий саволга яна бир бор тўхталиб ўтсак: болалар китоб ўқимаяптими?

Ҳеч бир соҳа вакили китоб ўқимай, китобга ошно бўлмай туриб, ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмайди. Илм олмай, касб сирларини ўрганмай, илмий асарлар ва янгиликларга таянмай, бирор ихтиро қилиш жуда қийин.

Албатта, телефон ва турли ижтимоий тармоқлар ривожланган бугунги даврда китоб мутолааси ўз аҳамиятини йўқотиб қўйиши мумкин деган хавотирлар ҳам йўқ эмас. Аммо кутубхоналаримиздаги тирбандлик, қиммат бўлса-да, хусусий мактабларда бўш жойнинг йўқлиги, мактаб битирувчиларининг катта қисми олий ўқув юртларига киришга интилаётгани, хориждаги етакчи университетларда ўқишни истаётганлар сонининг йил сайин кўпайиб бораётгани, ёшларнинг китобхонлик танловларидаги фаол иштироки, миллий ва халқаро сертификатларга қизиқиши ҳамда юқори натижаларга интилиши мутлақо бошқа манзарани кўрсатмоқда. Уларнинг кўпи ўқияпти, изланяпти ва улуғвор мақсадлар билан яшаяпти.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 00:40 Топширилди — 00:45

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.